Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Халқ депутатлари
Урганч тумани Кенгаши
ҚАРОРИ

O`zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Xalq deputatlari
Urganch tumani Kengashi
QARORI

«31» декабрь 2020 йил — Урганч тумани

№ 26-121

Урганч туманидаги янгидан ташкил қилинган ва икки қисмга ажратилган маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)*, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда)* ва "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 448-модда)* Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон Қарори билан тасдиқланган "Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомга *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда)* асосан Урганч туман ҳокими туманидаги Оёқ боғ ва Шерматлар маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳудудий чегарасини ўзгартириш ва янги маҳаллаларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига асосан халқ депутатлари Урганч туман кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объекатларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давергеодезкадастр қўмитаси эксперт комиссиясининг 2020 йил 24 июлдаги баёни, Географик объекатларни номлаш ва қайта номлаш бўйича вилоят комиссиясининг 2020 йил 3 июлдаги 260-сонли баёни ҳамда географик объекатларни номлаш ва

қайта номлаш бўйича Урганч туман комиссиясининг 2020 йил 22 июлдаги 120-сонли баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманда Оёқбоғ маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Шерматлар маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудининг катталиги жиҳатдан йирик маҳалла бўлганлигини инобатга олиб, Оёқбоғ маҳалла фуқаролар йиғини икки қисмга ажратиб, ажралган қисмида янгидан Янги Ўртабоғ маҳалласи, Шерматлар маҳалла фуқаролар йиғини икки қисмга ажратиб, ажралган қисмида янгидан Янгиобод маҳалласини ташкил қилинсин.

3. Урганч туманидаги янгидан ташкил қилинаётган 2 та, икки қисмга ажратилган 2 та маҳаллаларнинг чегара чизмалари харитаси 1-иловага мувофиқ, маҳаллалар чегара чизмалари тавсифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати, туман қурилиш бўлими, янги ташкил этилаган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда, туман бўйича тасдиқланган ягона замонавий миллий дизайн асосида бир ой муддатда географик объектлар номлари қайд қилинган пешлавҳаларни ўрнатсин.

5. Белгилансинки, географик объектлар номлари қайд қилинган пешлавҳаларни ўрнатиш билан боғлиқ сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

6. Урганч туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Рўзметов), Урганч туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими (О.Қаландаров):

янги ташкил этилган маҳаллаларнинг тўлиқ шакилантириш ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратилсин;

янги ташкил этилган маҳалла фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органи ахолиси ўртасида тушунтириш ишларини олиб борсин.

7. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган “Урганч ҳақиқати” газетасида эълон қилинсин.

8. Туман ҳокимлиги бош юрисконсульти (С.Зарипов), туман ҳокимини матбуот котиби билан барга (А.Аннахасанов);

мазкур қарорни туман ҳокимлигининг urganchhokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари Урганч туман кенгашининг Ижтимоий-маданий, ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Урганч туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Рўзметов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Урганч туман
Кенгаши раиси **Ф.Шарипов**